Куннинг муҳим воқеалари



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Араб Амирликлари Президенти Шайх Муҳаммад Ол Наҳаённинг таклифига биноан расмий ташриф билан Абу-Даби шаҳрида бўлиб турибди.

Ташриф дастурига мувофиқ 14 январь куни Ўзбекистон Президенти «Абу-Даби барқарор ривожланиш ҳафталиги» халқаро саммитида иштирок этди.

Шу куни БААнинг етакчи ташкилотлари, компания ва банклари раҳбарлари билан учрашувлар ҳам ташкил этилди.

15 январь куни эса олий даражадаги музокаралар бўлиб ўтди.

Ташриф давом этмоқда.

* * *



Вазирлар Маҳкамасининг «Туристик кластерлар фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Ҳужжат билан Туристик кластерларни ташкил этиш ва уларга туристик кластер мақомини бериш тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Туристик кластер мақоми Туризм қўмитаси томонидан берилади.



* * *

Вазирлар Маҳкамаси қарори билан ҳукуматнинг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Хусусан, «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплексида электрон меҳнат шартномаларини тузиш, меҳнат шартномаларини рўйхатдан ўтказиш, электрон меҳнат дафтарчаларини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низом Электрон меҳнат шартномасини рўйхатдан ўтказиш деб номланган 3-1 боби билан тўлдирилди.



Китоб топилди. Балки у менга қайтмас, сўраш – ўринсиз. Аммо у мендан жуда ҳам узоқда эмас – шу яқин атрофда.
3 -саҳифада ўқинг...

Афсуски, аксарият одамлар психологиясида «Телевизорда кўрсатяпти, демак, тўғри», деган фикр пайдо бўляпти.
4 -саҳифада ўқинг...



Яхшиликка интилиб яшаган қалби пок кишилар, ўзларидан шоҳ асарлар қолдиришадики, уларнинг умр дафтарини варақлаб, ўзимиз учун ибрат ва намуна оламиз.
4 -саҳифада ўқинг...



*Бугунги кунда «яшил» тараққиёт Ўзбекистонда умуммиллий ҳаракат даражасига кўтарилди.*

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**



YURT TARAQQIYOTI YO'LIDA BIRLASHAYLIK!

# Ishonch

2025-yil 16-yanvar payshanba

№8 (5072)

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

## Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигига!

# ОНЛАЙН ВА ОФЛАЙН МУАММОСИ

## коммунал тўловлардаги тизим қачон мукаммал ишлайди?




Исомиддин ЭШОНҚУЛОВ тайёрлаган иллюстрация

«Мен «Сувтаъминот»га эмас, жумбоғистонга келиб қолгандай ҳис қиламан ўзимни. Ёзувчи Тоғай Муроднинг қаҳрамони тили билан айтганда, онлайну офлайнингга ўйнаб қўяй, дегим келади. Тўловини қилиб қўйиб, тағин офлайн тизимни деб нима сабабдан мен кабилар оху фиғон чекиб юриши кераклигига сира ақлим етмайди.»

Кўпқаватли уйда тураман. Телефондаги илова орқали газга, электрга пул кўчирдим. Навбат совуқ сувга келганида... Не кўз билан кўрайки, ҳисобда 2 миллион сўмдан ошиқроқ қарздорлик пайдо бўлибди. Декабрь ойига келиб йўқ жойдан пайдо бўлган отнинг калласидек сумма таъбимни хира қилди.

Эрталаб «Сувтаъминот» (собиқ «Сувоқава») ташкилотига йўл олдим. Йўл-йўлакай такси ҳайдовчисига дардимни айтсам, мийиғида кулди:

– Ҳозир кўпчиликда шунақа муаммо бўлаётган экан. Сиздан сал аввал бир мижозни ўша ерга ташлаб қўйдим. Унга ҳам катта қарздорлик чиққанмиш...

Ташкилотнинг ланг очиқ катта дарвозасидан ер қазар, юк ташир техникалар чиқиб келяпти. Қоровулга муддаомни айтгандим, йўл кўрсатиб юборди: «Турган жойингиздан чапга бурилсиз, сал юргач, катта эшик чиқади. Ундан кириб, ўнгга қараб юрасиз – рўпарадаги охирги эшик»...

Бошқаларни билмадиму, турнақатор навбатларга тоқатим йўқ. Тепадан игна ташласанг, ерга тушмайди. Навбат катталигидан ўтиб-қайтишга ҳам қийналасан киши. Кўпчиликнинг дарди бир: сунъий қарздорлик!

Шу орада қўшним – журналист Обид Қўлдош телефон қилди. Унга ҳам 900 минг сўмдан ошиқроқ қарздорлик чиққан экан, қўшним ҳайрон. «Муаммо ҳал бўлдими, мен ҳам бормоқчи эдим», деди.

Бир-икки эшикка кириб чиқдим. Компьютерни титкилаган оператор қилинган тўловлар ва ҳисоблагичимдаги охирги кўрсаткич маълумотларини топди. Ўзим ҳам эрталаб ҳисоблагични расмга олиб чиққандим. Фарқ бор-йўғи 5 куб. Яъни, назоратчиларнинг ўзлари уйимга бориб, шу маълумотларни олиб қайтишган, катта қарздорлик қаердан пайдо бўлганини тушунтирадиган одам йўқ.

Кейинроқ маълум бўлишича, кабинетда ўтирган мутахассислар абонентларга кунлик лимитни хомчўт ҳисоблаб, ўшандан ҳосил бўлган рақамларни тиркаб кетаверишаркан.

– Ахир тўлов қилганман-ку, нега бунақа бўлиши керак? – деб сўрайман хуноб бўлиб.

– Тизим шунақа. Газ ва «свет»ники сингари онлайн эмас, офлайн ишлайди. Даҳмазаси кўплиги шундан, – дея тушунтирган бўлади ходим.

– Раҳбар кўрмайдими буларни?

– Бу муаммонинг ечими бизда эмас. Юқоридан ҳал этилиши керак.

Мен «Сувтаъминот»га эмас, жумбоғистонга келиб қолгандай ҳис қиламан ўзимни. Ёзувчи Тоғай Муроднинг қаҳрамони тили билан айтганда, онлайну офлайнингга ўйнаб қўяй, дегим келади. Тўловини қилиб қўйиб, тағин офлайн тизимни деб нима сабабдан мен кабилар оху фиғон чекиб юриши кераклигига сира ақлим етмайди.

Қонунчилик палатаси томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш соҳасида тўлов интизомини мустаҳкамлашга қаратилган қатор қонун лойиҳалари ишлаб чиқиляпти. Ўнлаб таклифлар бериляпти. Бундай хизматлар учун тўлов кечиктирилган ҳолларда уларга нисбатан турли чоралар қўллаш амалиёти жорий этилмоқда.

Бир жиҳатдан, тўғри. Фойдаланилган электр энергияси, чиқинди, табиий газ, совуқ ва иссиқ сув, иссиқлик учун ҳар бир истеъмолчи пулини вақтида тўлаб қўйиши керак. Чунки ҳисобсиз манбанинг ва текинга ётиб ейиладиган ноннинг ўзи йўқ. Лекин ичимлик сувни томорқасига беармон берадиган кимсалар оёқ чўзиб хотиржам ётса-ю, мен каби бир кунда нари борса бир-икки тоғора сув ишлатадиганлар оёғи куйган товуқдай идорама-идора югурса, шуям адолатданми?

– Бир пайтлар сув ташкилотида ишлаганман. Фуқаролардан пулни олиб, чўнтагига урган, кейин уларни сарсон қилган ходимлар ҳам бўлган. Шу боис уйма-уй юриб, пул терадиган назоратчиларга ишонмайман. Улар эса режа қўйилган деб пулни имкон қадар ўзлари олишга ҳаракат қилишади. Икки кун бўлди, қарздорлигим тўғрисида қоғоз келди. Тан оламан, 500 минг сўм атрофида қарзим бор. Онлайн тизим мукаммал ишлаганида, аллақачон тўлаган бўлар эдим. 1 миллион 200 минг сўмни қаердан олиб ёзишганига ҳайронман, – дейди Бухоро шаҳрида яшовчи фуқаро Шерзод Қурбонов.

Фуқаронинг айтишича, у яшайдиган «дом»да ўзи каби қарздорлар рўйхатига тиркалганлар анчагина экан.

Тўлов самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни бажонидил қабул қилдик, лекин истеъмолчини сарсон қиладиган тизимни ислоҳ қилишни ҳам кимдир ўйлайдими?



**Ҳамзабек ТУРДИЕВ,**
журналист

# 83 нафар ходимга 108 109 000 сўм УНДИРИЛДИ



**Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича мутахассислари томонидан Элликқалъа тумани тиббиёт бирлашмасида ходимларга 2023-2024 йиллар давомида тўланган маошларнинг низом талабларига мос келиши юзасидан жамоатчилик назорати ўтказилди.**

Ўрганишлар натижасида бир қатор камчиликлар аниқланди. Жумладан, бирлашма ҳисоб-китоб бўлими Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 4 апрелдаги 174-сонли қарори талабларини бузгани, раҳбарнинг буйруғи асосида 2024 йилнинг дастлабки ойида «малака ошириш ва қайта тайёрлаш» курсларида малакасини ошириб қайтган тиббиёт ходимларига харажат пуллари тўлаб берилмагани аниқланди.

Ҳолатга доир хато-камчиликлар бартараф этилди. Яъни, ходимларнинг иш ҳақлари қайта ҳисобланди ва 83 нафар ходимга жами 108 миллион 109 минг 810 сўм ундириб берилди.

**Даврон ЎРОЗБОЕВ,**
*Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича меҳнат ҳуқуқ инспектори*

«Ishonch» конвергент таҳририятга айланмоқда

«ISHONCH» ёнингизда бўлса, ҳаммасини унутасиз!



«Ishonch»ни Telegram каналида ҳам кузатиб боринг!

# УСТАМА ПУЛИ ТЎЛАНАДИ

**Мен Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманидаги мактабда математика фанидан ўқувчиларга сабоқ бериб келаман. Ўз устимда ишлаб, Халқаро SAT имтиҳонида математика фанидан юқори балл тўплаб, сертификатга эга бўлганим руҳимни кўтариб юборди. Тартиб бўйича сертификат эгаларига устама қўшиб берилиши лозим эди. Бироқ...**

Бу ҳолатдан норози бўлиб, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг «Хотин-қизлар муаммолари бўйича ташкил этилган 1211 рақамли «Ишонч телефони»га мурожаат қилдим.

Кўп ўтмай мурожаатим ижобий ҳал этилди. Ўрганишлардан сўнг менга устама пуллари тўлаб бериладиган бўлди.

Шу ўринда айтмоқчиманки, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси бир сафда бирлашган аъзоларини қўллаб-қувватлаш, шу билан бир қаторда, хотин-қизлар дуч келаётган муаммоларнинг ечимини топишга ҳам раҳнамолик қилмоқда.

Шундай нуфузли ташкилот бор экан, аёлларнинг ҳеч бир мурожаати эътибордан четда қолмайди.

**Мастурахон МАҲМУДОВА,**
*ўқитувчи*



**Нима учун кўча ҳаракати қоидасини бузган кишига милиция ҳуштак чалади-ю, бутун бир тилни бузаётган одамларга ҳеч ким ҳуштак чалмайди?**

**Абдулла ҚАҲҲОР**

2025-YIL 16-YANVAR
PAYSHANBA
№ 8 (5072)



# Ҳамма рози, ФАҚАТ СИЗ...

**Тан олиш керак, борган сари ижтимоий-руҳий омилларга таъсирчан бўлиб кетяпмиз. Ҳаётдан иллат излаш руҳиятимизда илдиз ота бошлагандек гўё. Бу ҳолат айрим фуқароларнинг турли идора ва ташкилотларга ҳуда-беҳуда мурожаатлар йўллаши-ю, натижасини кутмасдан ғалва бошлашларида, айрим амалдорларнинг эса мурожаатларга муносабатида янада яққолроқ кўзга ташланяпти. Оддий бир мисол. Ўтган йили Самарқанд вилояти касаба уюшмаларига йўлланган 231 та мурожаатнинг 106 таси касаба уюшмалари ваколатига кирмас экан. Бу мурожаатлар нусхалари ўнлаб ташкилотларда қайд этилганига, ўрганилганига гувоҳ бўлишингиз мумкин.**

– Мурожаатлар билан очиқ ва шаффоф механизм асосида ишлаймиз, – дейди кенгашнинг мурожаатлар билан ишлаш бўлими мутахассиси Санобар Жапарова. – Касаба уюшмаларига келган аризалар тури, шаклидан қатъи назар, ҳуқуқий жиҳатдан тенг ҳисобланади. Албатта, белгиланган тартибда муносабат билдирилади. Аммо бир хил мавзудаги мурожаат юзасидан такрор ва такрор тушунча бериш ортиқча оворагарчиликларга ҳам олиб келяпти.

Булунғурдан хат келди. Агробанк туман филиали ходими ишдан ноҳақ бўшатилганини ёзиб, ўз вазифасига тикланишда амалий ёрдам сўраган. Мурожаатчининг иддао қилишича, унинг онаси айнан шу банкка 120 миллион сўмни қўшимча даромад олиш учун қўйган. Бу маблағ банк ходимлари томонидан талон-торож қилинганмиш. Сир фош бўлгач, маъмурият омонатчининг банкда ишловчи кассир қизи билан ўчакишиб, уни ишдан бўшатиб юборганмиш. Ариза муаллифининг таъкидлашича, бу машмаша унинг оиласига жиддий таъсир кўрсатиб, турмушининг бузилишига ҳам сабаб бўлган эмиш. Хуллас, масала жиддий. Фуқарога кўмакка отланган касаба уюшма ҳуқуқшунослари бу ерда бошқа манзарага дуч келишди. Омонат ҳақидаги даъволар ўз йўлига. Аммо Агробанкнинг ходим тақдирига бефарқ муносабати жиддий ўрганилди. Ўрганишларда ишдан бўшатишда ноҳақлик юз бермагани аниқланди. «Жабрдийда» ходим Агробанк АТБ Бошқарувининг 2024 йил 26 июлдаги №101/3-сонли «Банк филиалларининг айрим касса хизматларини аутсорсинг асосида «Республика инкассация хизмати» давлат унитар корхонасига топшириш тўғрисида»ги қарорига асосан иш жойи қисқариши сабабли ишдан бўшатилган. Юқори банкнинг иш ўринларини қисқартириш тўғрисидаги қарори ижроси Меҳнат кодекси талабларига риоя қилинган ҳолда амалга оширилган. Эътирозга ўрин топилмади. Жамоат ташкилоти вакиллари мурожаатчига ҳуқуқларини тўла тушунтирди. Омонат масаласидаги чалкашликни қайси идоралар ҳал этиши тўғрисида ҳуқуқий маслаҳат берди. Аммо масала шу билан ёпилмади. Касаба уюшмалари айнан шу мазмундаги яна бир хатни рўйхатга олди. Фақат бу гал муаллиф бошқа, она қизининг ноҳақ жабр кўргани ҳақидаги даъво билан чиққанди...

Пайариқ туман Кўлтўсин маҳалласида яшовчи Н.Т. болаларига нафақа пули чиқариб бермаган маҳалла оқсоқоли Қ.Қаршибоевни ишдан олиб ташлашни сўрабди. Хат ортида бир инсон тақдири, айниқса, болалар қисмати бор. Кўлтўсинга борилганда, мактуб муаллифи мурожаатда кўрсатилган манзилда яшамаётган экан. Аллақачон бошқа аёлга уйланиб яшаётган собиқ турмуш ўртоғи Т.Н. билан расман ажрашгани тўғрисидаги суд қарори, фарзандларига тўлаб келаётган алимент чипталарини кўрсатди. Унинг айтишича, хат муаллифи бўлмиш собиқ турмуш ўртоғи Жиззах вилоятида истиқомат қиларкан.

– Ҳеч ким эрмак учун кўз ёш тўкмайди. Учта бола билан кетган аёлга осон ҳам тутиб бўлмайди, – дейди ушбу мурожаатни ўрганган транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд вилояти кенгаши раиси Карим Бобоев. – Мурожаат юзасидан Жиззах вилояти касаба уюшмаларига чиқдик. Улар ёрдамида бу аёлга кўмак кўрсатишни мўлжаллаяпмиз.

Касаба уюшмалари вазифаларининг юки, залвори кўп. Айниқса, жамоатчилик асосида ишлаб, бошлиқ райини қайтариш осон эмас. Аммо бурч ҳаммасини қилишга ундайди. Нарпай тумани ободонлаштириш бўлимидаги воқеа бунга яққол мисол. Меҳнат интизомини бузган ходимга чора кўришда касаба уюшма сўзига қулоқ осмаган ташкилот раҳбари қаттиқ панд еди. Иш интизомини қўпол равишда бузган деб топилган ходим қаттиқ жазоланди. Ушбу масала кўрилган касаба уюшма йиғилишига ташкилот раҳбари раислик қилиб, якуний хулосани ўзи чиқарган. Йиғилиш иштирокчиларига ушбу қарорни тасдиқлатиб олган ҳам ўзи бўлган. Интизомсиз ходим Меҳнат кодексининг 161-моддаси, иккинчи қисми, 5-банди билан ишдан бўшатилди.

Ўтган йилнинг октябрь ойида ходимнинг даъво аризаси фуқаролик ишлари бўйича Каттақўрғон туманлараро судида кўрилди. Суд ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишга розилик бериш ҳақидаги касаба уюшмаси йиғилишига жамоат ташкилоти етакчиси эмас, балки корхона раҳбари раислик қилганини нотўғри деб топди. Ходимни ўз вазифасига тиклади.

– Касаба уюшма ташкилоти йиғилишларида иш берувчи йиғилиш раиси сифатида қатнашиши мумкин эмас, – дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Самарқанд вилояти кенгаши юрисконсульти Толиббой Эшманов. – Бундай вазиятда қабул қилинган ҳар қандай қарор суд томонидан касаба уюшма раҳбарнинг босими остида розилик берилган дея топилиши мумкин. Каттақўрғон тумани фуқаролик ишлари бўйича суди масаланинг ана шу жиҳатини инобатга олган ҳолда, адолатли қарор чиқарди.

Инсон қадри, унинг меҳнати, ҳаётий муаммоси касаба уюшмаларига бегона эмас. Бу ташкилот доим сиз билан.

**Нурилла ШАМСИЕВ**
*«ISHONCH»*

---

**Хотин-қизлар мамлакатимизни ривожлантиришда, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий соҳаларни бошқариб, юксак маданиятли жамиятни барпо этишда катта кучга айланиб бормоқда. Зеро, ҳуқуқий маданият демократик жамиятнинг асоси сифатида, давлатнинг ҳуқуқий жиҳатдан мукаммаллигини кўрсатиб туради ҳамда жамиятнинг ҳар бир аъзоси томонидан ҳуқуқий нормаларга риоя этилишини билдиради.**

# ГЕНДЕР СИЁСАТИДАГИ МУҲИМ ҚАДАМЛАР

Тарихдан маълумки, Шарқ мамлакатларида аёлларнинг жамиятдаги ўрни ва ролига катта эътибор қаратилган. Янги Ўзбекистонда олиб борилаётган сиёсатда ҳам ушбу масала ўзининг актуаллиги жиҳатидан муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар тўғрисида»ги қонун ва тегишли қарорлар қабул қилинган. Мавжуд норматив-меъёрий ҳужжатлар ва амалий чора-тадбирлар Ўзбекистоннинг гендер сиёсати соҳасидаги муҳим қадамидир ва улар қонунчилик ҳамда амалиётнинг халқаро меъёр ва стандартларига тўлиқ мос келади.

Сўнгги йилларда гендер тенгликни таъминлаш, аёлларнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётдаги ролини ошириш бўйича ишлар бир неча йўналишда олиб борилмоқда ва бунга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳам улкан ҳисса қўшиб келмоқда. Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси мажлисининг 2023 йил 21 июлдаги 6-сонли Баённомаси билан белгиланган уч йиллик режага асосан гендерга оид аудитни ўтказувчи Федерация меҳнат инспекцияси инспекторлари ва тегишли идоралар ходимларидан ишчи гуруҳ ташкил этилган бўлиб, давлат идоралари ва ташкилотларида, яъни Молия, Транспорт, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик, Тоғкон саноати ва геология ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирликлари ва уларнинг қуйи тизимларида гендерга оид аудитни ўтказиш тадбирини фаол амалга оширишди ва келгусида ҳам ушбу ишлар режалаштирилган. Янги ташкил этилган барча институционал механизмлар Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси билан биргаликда БМТ Конвенциясига мувофиқ аёллар ҳуқуқлари, гендер тенглиги ва хотин-қизларга нисбатан камситишларга барҳам беришнинг ягона яхлит механизмига айланиб, тегишли натижани кўрсатмоқда.

Олиб борилган ишлар самараси ўлароқ, Ўзбекистоннинг Гендер тенглик ва бошқарув индексидаги ўрни Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги рейтингда юқори кўтарилган. Бошқарув, таълим, меҳнат, тадбиркорлик ва зўравонликнинг олдини олиш соҳаларида эришилган ижобий натижаларга кўра, Ўзбекистон 103-ўриндан 52-ўринга чиққан. Ушбу индекс 158 мамлакатни қамраб олиб, гендер тенгликка эришиш йўлида муваффақият ва камчиликларни аниқлаш имконини беради. Ўзбекистоннинг мазкур халқаро рейтингда юқори ўринга кўтарилишида қуйидагилар асосий омил сифатида қайд этилмоқда. Аввало, таълимга тенг имкониятлар яратиш, бунда онлайн таълим платформалари орқали қишлоқ ва чекка ҳудудлардаги қизларга замонавий билим олиш имконияти яратилгани ва ушбу ёндашув бардавомлиги ўз самарасини бераётир.

Аёлларнинг иқтисодий аҳволини мустаҳкамлаш мақсадида янги иш имкониятлари очилмоқда. Аёллар учун онлайн тадбиркорлик тренинглари ташкил қилинмоқда. Ўзбекистоннинг очиқ маълумотлар портали статистик маълумотларни таъминлаб, «Open data watch» рейтингида юқори ўринларни эгаллашига ёрдам берди. Янги технологиялар гендер тенгликни таъминлашда қудратли восита бўлиб, Ўзбекистоннинг халқаро рейтинглардаги ўрнини мустаҳкамлашда ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

Шубҳасиз, ушбу йўналишдаги ишларни доимий амалга ошириш талаб этилади. Бу ерда нафақат қабул қилинган кўрсатмалар, балки уларнинг халқаро мажбурият ва стандартларга мувофиқлиги, жойларда ўз вақтида ва аниқ бажарилиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу маънода, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётда қарорлар қабул қилишнинг барча даражаларида аёлларнинг тўлиқ ва самарали иштирок этишини таъминлаш бўйича ишларни самарали давом эттириш зарур.

**Нормурод ҲАСАНОВ,**
*Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Тошкент шаҳар кенгаши меҳнат инспектори, социология фанлари номзоди*

---

# Гуллар ичра ўзи гул

**Раҳбарлик масъулияти. Халқ фаровонлиги, давлат қудрати ошишида бу омил муҳим ҳисобланади. Давлатимиз раҳбари ҳам ҳар бир чиқишида бот-бот буни такрорлаб келмоқда. Мақоламиз қаҳрамони ҳам, ҳақиқатан, кейинги йилларда дунёнинг ҳеч бир бурчагида учрамайдиган тенги йўқ сиёсат – «Аёллар дафтари» шарофати билан қаддини тиклаб, давлат ривожи йўлида янги марралар сари интилаётганлардан. У ҳалол меҳнати ортидан роҳат кўраётган ғайратли опа-сингилларимиздан бири Бекобод тумани «Боғишамол» МФЙдаги «Лолазор ифори» фермер хўжалиги раҳбари Санобар Рўзиқуловадир.**



### ОРЗУНИНГ ОЙДИН ЙЎЛИ

– Бир пайтлар раҳматли отам «Қизим, борлиқ нелар дедирмайди, йўқлик нелар едирмайди», деб қилган насиҳатлари исботини ўз ҳаётим мисолида кўрдим, – дейди Санобар Рўзиқулова. – Отам уста деҳқон бўлиб, барчамизни меҳнатга ўргатган. Меҳнат қилган хор бўлмайди, дердилар. Мени турмушга узатаётганда ҳам атайлаб кўп фарзанди бор, меҳнаткаш хонадонни танлади. Худога шукур, Ҳошимжон ака билан икки ўғил, уч қизни тарбиялаб, вояга етказдик. Ёшлигимда ўқитувчи бўлишни орзу қилгандим. Турмуш ташвишлари бунга йўл бермади. Шундай бўлса-да, меҳрибон қайнонам ҳомийлигида ҳунар ўрганиб, тикувчи бўлиб ишлай бошладим. Кўплаб келинлар ва қизларнинг сепига меҳнатим сингди. Тирикчилик – тошдан қаттиқ, деганларидек, кейин 13-мактабда ошпаз бўлиб ҳам ишладим. Битта совун олишга пулимиз етмаган кунларни ҳам кўрдик. 2012 йилдан оилавий бўлиб, бор кучимизни уч сотихли иссиқхонада гуллар етиштиришга сарфладик. Гуллар совуқда сўлиб қолмасин, деб қиши билан ўтин ёқиб чиққанларимиз ҳам эсимда. Ана шундай кунларда раҳматли отам билан хаёлан, гуллар билан ғойибона суҳбатлашиб, ҳатто чет давлатларга сотишни орзу қилардим. Қийинчиликларга қарамай, томиримизда ҳар икки томондан деҳқоннинг қони борлигиданми, ишимиз ҳаммамизга хуш ёқарди.

### МЕНГА ЕР БЕРИШДИ

Шу зайл йиллар ўтиб борарди. Қанча тиришсак ҳам, тушум кам эди. Бу орада полиартритга мубтало бўлиб, тўшакка михландим. Суякларим зирқираб оғриб, оёқларим шишиб кетди. Бир ярим йил даволаниш учун ТошМИга қатнадим. Қарийб уч йил касалликка қарши курашдим. Турмуш ўртоғим Ҳошимжон ака мени иссиқхонагача кўтариб бориб, шу ҳолимда ҳам гулларимдан, ердан айирмади.

Гулларга бўлган меҳрим, турмуш ўртоғимнинг ғамхўрлиги мени дарддан халос этди. Орада «Аёллар дафтари»га киритилиб, ёруғ кунларим бошланди. 2021 йилдаги хурсандчилигимни айтсам, ҳалигача кўзимга ёш келиб, юрагим ҳаприқиб кетади. Ўша пайтдаги вилоят ҳокими Рустам Холматов учрашувлардан бирида гулзоримизни кўриб, «Сизга, давлатимизда яратилаётган имконияту имтиёзлардан фойдаланиб, гулзор учун бир гектар ер берайлик, ободликка ҳисса қўшинг. Бунга кучингиз етадими», деб сўради. Мен бу таклифга бажонидил розилик билдирдим. Бир гектар ер ажратиш тўғрисидаги ҳоким қарорини қўлимга олиб, уйгача йиғлаб келдим. Бу таклиф кучимга куч, ғайратимга ғайрат қўшди. Ишим ривож топди. Натижада, 2021 йилда «Дўстлик» ордени билан мукофотландим.

### «БИЗГА ҲАМ ГУЛЛАРИНГИЗДАН СОТАСИЗМИ?»

2024 йил 15 октябрь куни ҳам ҳаётимда ўчмас из қолдирди. Негаки, шу куни Президентимизнинг вилоят аҳолиси билан учрашуви бўлиб ўтди. Унда миннатдорлик билдириш мақсадида мен ҳам сўзга чиқдим. Ичимда борини сўзладим. «Зафар» шаҳарчасида мўъжазгина гул дўкони қуришни таклиф қилдим. Давлатимиз раҳбари ҳам оталарча меҳр билан гапимни эшитиб: «Раҳмат, ичимдаги гапларни айтдингиз. Таклифларингизни қўллаймиз. Вазирлар билан кўплашиб келсак, яқинда очилажак гул дўконингиздан бизга ҳам чиройли гуллардан сотасизми?», деб ҳазиллашдилар. Бу эътибору эътирофдан кўнглим тоғдай кўтарилди.

### ЮРТНИ ГУЛГА ТЎЛДИРСАМ, ДЕЙМАН...

Президентимизнинг тадбиркорларни қўллаб-қувватлаши менга ҳамиша қанот беради. Бу орада имтиёзли кредит эвазига иссиқхонамиз майдонини 25 сотихга етказдик. Мини трактор, зарур ашёлар сотиб олдик. Ҳозир аҳоли ва ташкилотларга 35 хил гул кўчатлари етказиб беряпмиз. Салвия, петуния, зина, итоғиз, виола, қўқонгул, вервина, ромашка, астра, тожихўроз, катарантус, шабо, тагес, герань, шифлера, каланхоэ, гитара, молочай, бугенвиллея, кичик атиргул, фикус, диффенбахия, колеус, олеандр, кактус, монстера, мушки анбар, хлорафитум ва бошқа кўплаб гуллар етиштирамиз. Айниқса, хризантеманинг хил-хилларини сотамиз, унинг харидорлари кўп.

Жуда қулай жойда, йўл бўйида жойлашган гул дўконимизга нафақат туман аҳолиси, балки қўшни туманлар, Сирдарё вилояти, Тожикистондан ҳам харидорлар келишади. Тўйлар, саналар муносабати билан буюртмалар бўлганида оилавий бўлиб ишлаймиз. Келинларим, набираларим билан тиним билмаймиз.

Шукрки, ҳозир кредитларимиздан қутулай деб қолдик. Келгусида хориждан янги кўчатлар келтириб, маҳаллийлаштиришни, цитрус мевалар етиштиришни режалаштиряпмиз. Ер бераман, деса, ўзбекнинг жони киради, деган гап рост экан. Муҳими, Ботир боғбоннинг қизи Санобар гулчи номини олганимдан беҳад бахтиёрман.

### ИМТИЁЗ ҲАМ, ИМКОНИЯТ ҲАМ ЭГАСИНИ ТОПСА, ЯХШИ-ДА!

– Санобар опа туманимизнинг матонатли ва намунали хотин-қизларидан, – дейди туман ҳокими ўринбосари Ёқутхон Мўминова. – Тинмайди. Ўзи «Аёллар дафтари»да туришига қарамай, Олмахон Мадумарова, Сайёра Рўзиқулова, Холида Холиқова, Феруза Исомиддинова каби фуқароларимизни иш билан таъминлаб келмоқда. Яна ҳар куни 10 нафар мавсумий ишчи унинг хонадонида ишлаб, камида 100 минг сўм даромад топмоқда. Сўзи билан иши бир бундай фидойи опа-сингилларимизга қанча ишонч билдириб, имтиёз яратсак, ошиғи билан қайтади. Шукрки, уларнинг сафи кенгайиб бормоқда. Туманимизда «Аёллар дафтари»да турган олти минг нафар хотин-қизнинг бугунги кунда 300 нафари ўз хусусий бизнесига эга. Имтиёз ҳам, имконият ҳам эгасини топса, яхши-да!

### СЎНГСЎЗ ЎРНИДА

Онамга, устозимга, опа-синглимга ёки суйган ёримга бугун бир гул совға қилайин, десангизу, дўкон шундоқ яқинингизда бўлса, қандай яхши. Кўпчиликни бу истагига эриштирган опанинг бахти, Яратганнинг иноятиi шундаки, у тақдир тақозосига биноан, зарур пайтда, зарур жойда ва яхши инсонларга учраганидир. Мақоламизни раҳбар масъулиятидан бошлаганимиз сабаби ҳам шунда. Жўшқин фаолият давомида оддий кишилар қалбида самимий муносабати билан ёрқин из қолдириш, муболағасиз айтиш мумкинки, жонли сиймо яратишдан ҳам улуғроқ ишдир. Муваффақият ва эътироф мезони ҳам битта ва оддийгина – кеча-кундуз ватанпарварлик, билимдонлик, холислик, масъулият билан фаолият юритишда. Бундан давлат ва жамият катта манфаат кўришига асло шубҳа йўқ.

Ибратни хушсуратли инсонлардан олинг, деганларидек, Санобар опадан, унинг эзгу ишларидан кўп нарсани ўргансак бўлади.

Биз гулдек нафис, кўнгли эзгуликка тўлиб-тошган опага чин кўнгилдан омад ёр бўлишини тиладик.

**Комила БОЙМУРОДОВА**
*«ISHONCH»*

---

# Оламда

## Исроил ва ҲАМАС келишувга эришди



**Қатардаги музокаралар давомида Исроил ва ҲАМАС Ғазо сектори бўйича келишувнинг асосий шартларини келишиб олди.**

Манбаларга кўра, томонлар асирларни озод қилиш бўйича келишувга эришган. АҚШ, Қатар ва Мисрнинг келишувни қўллаб-қувватловчи қўшма баёнот бериши кутилмоқда. Келишувнинг асосий масаласи – Исроил армиясининг айрим ҳудудлардан чиқиши.

## Россияни тийиб туриш – АҚШнинг устувор вазифаси



**АҚШ мудофаа вазири лавозимига номзод Пит Хегсет Россияни тийиб туриш АҚШ миллий манфаатларини ҳимоя қилиш учун устувор аҳамиятга эга эканини таъкидлади.**

Сенатдаги эшитувларда Хегсет Россиянинг АҚШ манфаатларига таҳдид солувчи таъсирини кенгайтиришга қаратилган ҳаракатлари ҳақида гапирди ва бундай ҳаракатларга қарши фаол чоралар кўриш зарурлигини таъкидлади.

## Афғонистонда ҳайвонлар тасвирлари тақиқланмоқда



**Афғонистоннинг Панжшер ва Дойкунди вилоятларида ахлоқ тўғрисидаги қонунга мувофиқ ҳайвонлар тасвирларини чоп этиш тақиқланди.**

Hasht-e Sobh нашрининг хабар беришича, маҳаллий ҳокимиятлар босмахоналардан тирик жонзотлар, шу жумладан, ҳайвонлар тасвирларини чоп этмасликни талаб қилмоқда. Бу тақиқ ҳозирда мамлакатнинг 34 вилоятидан 8 тасида амал қилмоқда ва келгусида бутун мамлакат бўйлаб жорий этилиши мумкин.



**Кимнинг қулоғи ҳақиқат учун ёпиқ ва ким уни дўстининг оғзидан тинглай олмаса, уни ҳеч нарса қутқара олмайди.**

ЦИЦЕРОН






## УЛАР АЛОҲИДА НАЗОРАТГА ОЛИНГАН

**«Ishonch» газетасининг 2024 йил 14 декабрдаги сонида «Жавобини кутаётган саволлар» рукни остида Ички ишлар вазирлигига «Тиланчиларни ким назорат қилади?» деган савол билан мурожаат йўлланганди. Унга мутасаддилардан қуйидагича жавоб келди:**




*«Тиланчиларни ким назорат қилади?» номли материал Ички ишлар вазирлиги томонидан ўрганиб чиқилиб, мазкур масала юзасидан қуйидаги ишлар амалга оширилаётганлигини маълум қиламиз:*

*– ҳар бир фуқаролар йиғинлари, маҳаллалар миқёсида иш ҳамда яшаш жойининг тайини йўқ ва тиланчилик билан шуғулланадиган шахсларни аниқлаб, уларга ижтимоий ёрдам ва тарбиявий таъсир кўрсатиш;*

*– тиланчилик билан шуғулланадиган фуқароларнинг яшаш жойларида жамоатчилик чоралари кўрилиши;*

*– Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 188[3]- ҳамда Жиноят кодексининг 127[1]-моддалари асосида қатъий чоралар кўриб борилиши алоҳида назоратга олинмоқда.*

*Шунингдек, ўтказилаётган тезкор профилактик тадбирлар давомида ППХ, ЙПХ ва Миллий гвардия қўриқлаш хизматлари пост ва йўналишларида фаолият олиб бораётган нарядларнинг ҳамда жамоатчилик вакилларининг эътибори тиланчилик билан шуғулланаётган шахсларга қаратилган.*

**Ички ишлар вазирлиги матбуот котиби Ш.ҒИЁСОВ**

**Таҳририятдан:** Ушбу жавоб умумий гаплар билан чекланиб қолган. Муҳими, саволда муаммонинг урчиётгани ҳақида сўз юритилганди. Жавобда натижа ҳақида гап кетмаётганидан ҳам кўриниб турибдики, қайд этилган чоралар ва «йўналтириш»лар самара бермаётир. Афтидан, бу борада таҳлил ҳам, изчил тизим ҳам мавжуд эмас.

Вазирликнинг жамоатчилик томонидан эътирозларга сабаб бўлаётган бу мавзуга жиддий ёндашувини кутиб қоламиз.

# Оқшомдан тонггача...



### ЗИЁЛИЛИК БУРЧИ

Янги йил тунини бедор ўтказаман. Анча йиллардан бери шу одатим қолмайди. Уйқум қочади, хаёлга чўмаман. Ўзимга ўзим кўп савол бераман.

Бу йил ҳам шундай бўлди. «Тараққиёт» телеканали марҳум шоира, ноёб нотиқ, сўз заргари Турсуной Содиқованинг оила мавзусидаги суҳбатларини эфирга узатаётган экан, гарчи уларни аввал ҳам эшитган, кўрган бўлсам-да, худди биринчи марта эшитаётгандек ҳаяжон билан тингладим. Ҳассос шоира оила муаммоларига доир турли ҳаётий ҳолатларни таҳлил қилар экан, тарбия ўқини нишонга бехато йўллайди, у ёки бу ҳолатда ким ҳақ, ким ноҳақлигини аччиқроқ бўлса-да, очиқ, номма-ном айтади. Ҳеч кимни аяб ўтирмайди. Шу аёвсизлиги билан шуҳрат қозонган эди раҳматли. Ўзининг эътирофича, воизлик ишида «сўз излаш, сўз ўйлаш, сўзга ранг-тус бериш, уни чиройли ижрода, ёқимли оҳангда тақдим этиш, сўзлар воситасида жон терига тушиб жанг қилиш, сўзда ўлиб, сўзда тирилиш» керак эди. Шундай қиларди ҳам.

Турсуной Содиқованинг ўғил, қиз, келин, набира тарбияси билан боғлиқ мушоҳадалари, оилада юзага келадиган нохушликларнинг ўқ илдизини очиб бера олиш қобилияти, севиб-севилиб турмуш қурган икки ёшнинг орадан кўп ўтмай бир-бирларини тушунмай қолишлари, қайнонанинг келинга зулми сабабини худди микроскоп орқали кузатиб тургандай, шахсан ўзи гувоҳ бўлгандай таҳлил қилиши, муболағасиз айтиш мумкинки, ноёб ҳодиса эди. Собиқ тузум «Ҳамма оилани ўйласа, оилапарвар бўлса, давлатнинг ишини ким қилади?», деган ақидасига қарши бош кўтарган жангчилардан эди у.

Ҳа, шундай эди. Шоиранинг бир-бирини тушунмай ёки учинчи томоннинг аралашиши сабабли ажралиш ёқасида турган ёшларни фарзанди каби «Ҳай, болам, болажоним, қизим, полвоним, ўзим айланай сендан», дея ҳурматлагани, кўрсатган йўл-йўриқлари, кези келганда «анжанча» чимчилаб, узиб олишлари боис неча юзлаб оилалар тиклангани ҳақиқат. Воизанинг латофатли суҳбатлари, саноқсиз учрашувларидаги аччиқ, аммо ўринли танбеҳлари самараси оила муаммолари билан шуғулланувчи айрим ташкилотлар фаолияти самарасидан кам эмас, десак, хато бўлмайди. Таъсир тарозисининг бир палласига шоиранинг воизлик меросини, иккинчи палласига бугунги пуфак сериалларни қўйсак, қайси палла тош босиши аниқ. Эссиз шунча сарф-харажат...

Турсуной Содиқовани телеэкранда кўриб, уни нечоғли соғинганимизни, бугун мамлакат миқёсида ўтказилаётган маърифат улашиш тадбирларида айни шундай жонкуяр, сўзи бутун тарғиботчилар жуда-жуда зарурлигини ҳис этамиз. Шоира буни тушунгандай, «Тараққиёт» каналида воизликни ўзининг оддий кундалик иши, зиёлилик бурчи, оналик вазифаси, ижодкор масъулияти сифатида хотиржам давом эттирмоқда.

### ОДДИЙ САВОЛНИНГ МУРАККАБ ЖАВОБИ

Тун қиёмидан ўтди.

Янги йилнинг илк қадамлари бошлангач, телебазмлар янада авжланди. Режиссёр, оператор, рассом, саҳна иши усталари жиддий ишлашгани кўриниб турибди. Хусусий каналлар ўртасида томошабин учун кураш кўрсатувдан кўрсатувга авж олиб бормоқда. Таниқли санъаткорларимиз бор бўлишсин – ҳар бирлари камида икки-учта базмда қатнашишди, турли образларда намоён бўлишди, кўплари мириқиб рақсга тушишди. Айрим ҳофизлар битта қўшиқни уч-тўртта каналда ижро этишди. Ўлма, фонограмма, деворгинг келади. Қизиқчилар ҳам, одатдагидай, бўш келишгани йўқ, баъзи ўринларда одоб доирасидан чиқиб кетишганини айтмаса, куладиган, енгил илжайиб қўядиган ҳолатлар ҳам бўлди. Алоҳида эътибор берганим – рақс санъатимиз шу қадар ривожланиб кетибдики, ёпирай, таърифлашга сўз топиш қийин. Ўзбек миллий рақси қироличаси Мукаррама Турғунбоева ҳаёт бўлганида, ҳайратдан ёқасини ушлаган бўларди. Ахир битта қўшиқ мусиқасига еттита раққосанинг етти хил муқомда ўйнаши осонми?

Рақсларни томоша қилар эканман, хаёлимда ўтган асрнинг етмишинчи йиллари бўлиб ўтган бир воқеа жонланди. Тошкент халқаро кинофестивалида қатнашаётган ҳиндистонлик ижодкорлар билан «Тошкент» меҳмонхонаси олдида қисқа учрашув бўлганди ўшанда. Мухлиса аёллардан бири Раж Капурга: «Ҳиндистонда рақсга тушмайдиган одамлар ҳам борми?», деган савол берди. Савол замиридаги «Сизларда одамлар рақсга тушишдан бошқа иш ҳам қилишадими?» деган ажабланиш борлигини сезган буюк санъаткор жавоб беришга бироз қийналди...

Йиллар ўтиб, бир гуруҳ журналистлар Ҳиндистон бўйлаб йигирма кунлик сафарга чиқдик. Бу ғаройиб мамлакатда яшаётган неча юз миллион – сон-саноқсиз одамларнинг аянчли ҳаёти, оғир турмуш тарзи билан танишдик, одамлар кўчада туғилиб, кўчада умр ўтказаётганини кўрдик. Бомбейда ҳинд кинолари суратга олинадиган ёпиқ ясама шаҳарча павильонларига саёҳат қилдик ва... Раж Капурдек машҳур санъаткор оддий ўзбек аёлининг оддий саволига жавоб қайтаришда нега қийналгани сабабини тушундик. Ҳиндлар рақсга тушишни қойиллатишади, аммо мамлакат, халқ ҳаёти биргина рақсдан иборат эмас. Биргина мисол. Ҳинд ёшларининг IT соҳасидаги ютуқлари АҚШдек қудратли давлат иқтисодини баланд даражада бардавом ушлаб турибди.

Дилимдаги гапни айтаман: янги йил базмларига, «Болливуд баттл» кўрсатувларидаги рақсларга мутлақо эътирозим йўқ. Улар – ўзбек санъаткорлари, телережиссёр ва операторларнинг машаққатли меҳнати, изланиши, ёшлар орасида истеъдодлилар кўпайиб бораётгани, юртимизда ҳукм сураётган тинч-тотув ҳаёт, шоду-хуррамликнинг ёқимли самараси. Бунинг нимаси ёмон? Аммо... бир хавотир ҳам йўқ эмас. Бу кўрсатувларни томоша қилган бирор ҳиндистонлик Ўзбекистондан борган сайёҳга: «Сизларда рақсга тушишни билмайдиганлар ҳам борми?», деган савол бериб қолса-я?

Телевидениенинг янги йил кўрсатувлари маълум маънода йил сарҳисоби ҳам. Шундай экан, якунланаётган йилда нима иш қилдик, нимага эришдик, шахсий ҳаётимизда, мамлакат ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётида қандай ўзгаришлар юз берди, янги Ўзбекистон тажрибаси қайси соҳаларда дунё эътиборига тушди, ибрат намунаси бўлди – бир-бирига уланиб кетган гижбаданг рақслар орасида шу мавзуларга ҳам озроқ тўхталсак, айтайлик, деновлик матонатли тадбиркор аёлни, олимпиада чемпиони Диёра Келдиёровани, штангачи паҳлавон Руслан Нуриддиновни, йилнинг энг яхши фермери, ихтирочиси, муаллими, шифокори, қурувчиси, Ватан ҳимоячиси, IT бўйича халқаро танлов ғолиби, ёш шахматчиларимизни студияга таклиф қилсак, уларнинг янги йилдаги янги режаларини эшитсак, ёшларга ибрат қилиб кўрсатсак, бўлмасмиди? Шундай қилмасак, телебазмлар жамиятдаги маълум тоифа вакилларининг тор маънодаги ўйин-кулгусига айланиб қолаверади. Студияларни безаб турган ҳаво шарлари каби уларнинг умри узоқ бўлмайди.

Тасаввурим аниқ бўлиши учун уйқум қочганидан фойдаланиб, янги йилга бағишланган кўрсатувларни кўпроқ кўришга ҳаракат қилдим, аммо Ўзбекистоннинг ақлий, фикрий, илмий-ижодий салоҳияти, маънавий куч-қудрати, ўзбекона меҳр-оқибати, эртанги ёруғ кунлар учун қўяётган залворли қадамлари экранларда камроқ кўринди.

### ЎҒРИ

Уфқ оқара бошлади. Янги йилнинг биринчи тонги. Нонуштадан кейин жавонда турган бир китобни қидира бошладим. Ўрнида йўқ. Кимгадир ўқишга берганманми ёки кимдир «Билса – ҳазил, билмаса – чин», дея қўйнига урганми, билмадим. Жуда зарур китоб эди. Хоразмлик курсдошим Шихназар Аҳмедов чет элдан олиб келганди. Бир-икки киши ўқиди. Ўзим энг муҳим жойларини давраларга гапириб бердим. Китобга қизиқиш кучайди ва мана энди жойида йўқ.

Шу чоққача пул, буюм деганни кўп йўқотганман, аммо ҳеч бирини АҚШнинг собиқ президентларидан бири қаламига мансуб бу китобни қидирганчалик излаган эмасман. Дунёнинг элликдан ортиқ тилларига таржима қилинган ушбу асарнинг айрим бобларини таржима қилиш ниятида эдим. Шу куни, эртасига яқинларимдан сўраб-суриштирдим. Фойдаси бўлмади. Бошқа китобларга андармон бўлиб, ҳовурим босилай-босилай деб турганида, кутилмаганда китобнинг «изи» чиқиб қолди. Бир даврада йўқолган китобда ўқиганим – бошқа ҳеч бир манбада йўқ воқеа ҳақида сўзлаётиб, сал хатога йўл қўйган эканман, ёнимда турган касбдош дўстларимдан бири мени дарҳол тузатди...

Хурсанд бўлиб кетдим. Китоб топилди. Балки у менга қайтмас, сўраш – ўринсиз. Аммо у мендан жуда ҳам узоқда эмас – шу яқин атрофда. Юпанчим шуки, китоб қайсидир жавонда чанг босиб ётгани йўқ, ўқилмоқда.



**Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ,**
*Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист*

**Тунги Тошкент кўчаларини айлансангиз, турли дўкон, сартарошхона ва емакхоналар пештоқларида ял-ял ёнаётган хорижий тиллардаги ёзувларга кўзингиз тушади: «Mondo family», «Evos», «Magnum», «Green apple market», «Корзинка», «Brusko», «Kids land», «Hookah house».**




## ТИЛНИНГ ҒАРИБЛИГИ тафаккурга боғлиқми?

Пойтахтдаги машҳур кийим дўконларининг аксарияти ҳам ажнабий тилда: **«Podium boutique», «Gloss», «Branroom», «Edelvace», «Li Ning», «Verda premium»...**

Сартарошхона ва гўзаллик масканлари ҳам ажнабий номлар пойгасида ҳечам ортда қолишмаяпти: **«Krom professional», «Kimmy lab», «Jane Air», «Chocolate»...** Агар бино олдига баннерлар ўрнатилмаса, уларнинг қандай хизмат кўрсатиш шохобчаси эканини ҳам билмайсиз.

Хорижий брендлар бўйича очилган тармоқ емакхона ва дўконларни тушуниш мумкин. Чунки улар чет эл фирмаларидан рухсат олиб, маълум тўловларни амалга оширгач, ташкил этилади. Масалан, **«MaxWay», «McDonald's»** каби умумий овқатланиш корхоналари шулар жумласидан. **Бироқ шундай кафе ва ресторанлар борки, уларнинг номларини «Бу ўзимизникими ёки чет элники?» деган хаёлга борасиз: «Bon! Boulangerie & Patisserie», «Gloria Jean's Coffees Uzbekistan», «BookCafe», «Pie Republic», «Multi Mafe»...**

Айтишларича, емакхоналар ва озиқ-овқат дўконларига ажнабий ном қўйилса, одамлар эътиборини тортиб, мижозлар кўпаяр эмиш. Ол-а, ҳечам-да. Аслида ҳаммаси хизмат кўрсатиш сифати, маданияти ва албатта, тилга эътиборга боғлиқ. Узоққа бормайлик, юртдошларимиз орасида Туркия ва Грузияни айланиб келганлар ҳам кўп. Ўша давлатларда ҳам туризм ривожланган. Аммо уларда тилга муносабат умуман бошқача. Масалан, ўз она тилига ҳурмати баланд мамлакатлардан бири Туркияда деярли барча масканлар номи, афишалар, эълонлар матни, энг аввало, турк тилида ёзилиб, сўнгра инглиз тилидаги таржимаси берилади. Масалан, йўл белгиси бўлган халқаро «STOP» сўзи ҳам «DUR» деб туркча ёзилган. Бизда-чи?..

Турли хизматлар кўрсатиш ва ишлаб чиқаришга ихтисослашган фирмалар номлари ҳам «ажнабийча»: **«Aramex», «Asmus», «Akfa build», «Alpha security service», «Al sage pharm»...** Бундай мисолларни кўп келтириш мумкин. Тушунмадим, бу – хорижга меҳр, кўр-кўрона тақлидми ёки ўз она тилимизга ҳурматсизлик?!

Бу ҳаётда баъзан болажоннинг, болаларнинг ўринли саволларига жўяли жавоб беришга қийналиб қоласан. Фарзандларинг билан **«Compass Mall», «Yangiobod Weekend Flea Market», «Mega Planet», «Vega Centre»** каби савдо ва кўнгилочар марказларга борасан ва «Ойи, номи нега бунақа?» деган саволга жавоб излайсан... Яхшиям «Чорсу», «Пойтахт», «Самарқанд» деб номланган савдо марказларининг борлиги кўнгилга бироз таскин беради.

Қўшни мамлакатлар Туркманистон ва Қирғизистонда савдо марказлари, кафе-ресторанларнинг аксарияти ўз она тилларида номланган. Масалан, бекатлардаги (биздаги) «Минутка»лар Қирғизистонда «Капалак» деб номланган. Қойил, топиб айтилган. Чиндан ҳам, капалак бир жойда узоқ турмайди, учади-ю кетади. Бекатдаги одам ҳам шундай, яъни қисқа дақиқаларда тановул қилади-да, манзили томон ошиқади.

Ўзимизда ҳам ҳавас қилишга арзигулик, ажойиб номлар бор: «Афсона», «Новвот», «Ялпиз», «Райҳон», «Довон», «Ўткан кунлар»... Шунга ўхшаш номларни топаётган тадбиркорларимиз барака топишсин.

Маълумки, фирмаларнинг номланиши Адлия вазирлиги рухсати билан амалга оширилади.

– Амалдаги, яъни 2006 йилда қабул қилинган «Фирма номлари тўғрисида»ги қонун талабларига асосан фирмаларга ном берилади, – дейди вазирлик бўлим мудири Азизбек Раҳматов. – Бунда номларнинг республика бўйича такрорланмаслигига ҳам эътибор қаратилади. Дейлик, «Нодир» МЧЖ иккита фирмага ном бўлолмайди.

Афсуски, тадбиркорлар орасида ажнабий номларга «ёпишиб қолган»лар ҳам кўп. Улар ўз фирмасини номлаш учун тегишли ташкилотга бир нечта вариантлар беришади, аммо ўзбекча эмас.

Ўзбек тилининг жонкуярларидан бири бўлган фидойи олим, профессор Ғайбуллоҳ ас-Салом «Тилнинг ғариблиги – тафаккурнинг қашшоқлигидан» дея бонг урганди. Олимнинг фикрича, ўз тилида хиргойи қилиш нималигини билмайдиган, ўз тилида ўз дилбандига алла айтолмайдиган, ўз тилида дуои хайр, муножот, нидо қилолмайдиган ва ҳатто ўз тилида туш кўролмайдиган бир талай одамлар пайдо бўлган. Афсуски, бу сўзларга қўшилмасликнинг иложи йўқ.

Шаҳар кўчаларини кезганда деярли ҳар қадамдаги ёзувларга кўзингиз тушар экан, бегона тил бегона бўлишини ич-ичингиздан ҳис қиласиз.

Унутмайлик, «Тил – жамиятнинг асосий таянчи, инсоний мулоқот-муносабатларнинг бирламчи воситаси, миллат руҳи ва давлатчилик тақдиридир».

**Умида ХУДОЙБЕРГАНОВА**
*«ISHONCH»*

# бугун



## Жанубий Корея президенти терговда

**Жанубий Корея президенти Юн Сок Ёль ҳибсга олинди. У мамлакат фуқароларига мурожаат қилиб, терговнинг қонунийлигини тан олмаслигини таъкидлар экан, бу ҳаракатини «қон тўкилишининг олдини олиш учун терговга ихтиёрий келиш» дея атади.**

Юн Сок Ёлнинг сўзларига кўра, у терговчилар ўт ўчириш ускуналари ёрдамида резиденциясининг қўриқланадиган ҳудудига кирганидан сўнг тўқнашувларнинг олдини олиш мақсадида терговга боришга қарор қилган.

«Менинг ушбу жараёнда иштирок этишга розилигим ноқонуний айбловларни тан олиш эмас, балки ортиқча қон тўкилишининг олдини олиш учун қилинган ҳаракатдир», деди президент.

Терговчилар ҳибсга олиш ордери билан президент резиденциясига кирган ва шу ерда музокаралар бошланган. Юн Сок Ёлнинг адвокати президент прокуратурага ихтиёрий равишда боришга тайёр эканини тасдиқлади.

## Хитойнинг 37 та компанияси «қора рўйхат»да

**АҚШ Миллий хавфсизлик вазирлиги уйғурларнинг мажбурий меҳнатидан фойдаланганликда айбланган 37 та Хитой компаниясини «қора рўйхат»га киритди.**

Бу чора-тадбирлар 2021 йилда қабул қилинган, мажбурий меҳнатдан фойдаланган маҳсулотларни импорт қилишни тақиқловчи қонуннинг давоми сифатида амалга оширилмоқда. АҚШ ҳукуматига кўра, Хитой уйғур аҳолисининг ҳуқуқларини тизимли равишда бузиб келмоқда.



## Трамп Калифорнияга келади

**АҚШнинг сайланган президенти Дональд Трамп Калифорниядаги йирик ёнғинлардан жабр кўрган ҳудудларга ташриф буюришни режалаштирмоқда. Бу ҳақда Конгресс спикери Майк Жонсон маълум қилди.**

Ёнғинлар 24 кишининг ҳаётига зомин бўлган ҳамда 12 мингдан зиёд бинони, шу жумладан, Голливуд юлдузларининг уйларини йўқ қилган. Трамп вазият билан танишиш ва жабр кўрганлар билан суҳбатлашишни режалаштирмоқда.





Олимга ёндашсанг, очилар кўзинг,
Жоҳилга ёндашсанг, кўрдек бўларсан.

Махтумқули ФИРОҒИЙ





# Ҳар ким ҳам ВАНГА бўлолмайди

**Қишлоғимизда Жамила опа деган аёл бўларди. Унинг саккизта қизи орасида биттагина тилаб олган ўғли бор эди. Тилаб олинган бўлса-да, Холматжон эрка эмасди, аксинча, камгап, мулоҳазали бола эди. Мактабни битиргач, Тошкентдаги политехника институтида ўқиди. Барча ҳамқишлоқларим қатори у ҳам талабалик пайтида уйимизга келиб турарди. Ортиқча гапирмас, тенгдошларининг ҳазилларига жилмайибгина қўярди, холос.**

Ўша вақтлардаги қоидаларга биноан, кечкида ўқиётган Холматжонни ҳарбий хизматга олиб кетишди. Аммо, минг афсуски, орадан бир йил ўтар-ўтмас, Россиянинг чекка бир ўлкасида хизмат бурчини ўтаётган йигитдан шумхабар келди. У ўзини отиб қўйганмиш. Аскарни олиб келганлар тобутни очтиришмабди. Шундайича дафн қилинибди. Ота бу қисматга кўнса-да, онаизор кўнмабди. У тавсияларга ишониб, фолбинга борибди:

– Боланг тирик, қоронғи бир жойда боғлаб қўйилган. Изласаларинг, топасизлар, – дебди фолбин.

Шундан кейин... Аввал қабрни очишди. Орадан анча вақт ўтганлиги сабабли мурдани таниб бўлмабди. Отаси Шермат ака молини, машинасини сотиб, бечора Жамила опанинг укаси, яъни қайниси билан Россия бўйлаб болани излаб кетишди. Фойдаси бўлмади, овора бўлганлари қолди. Муштипар она «Болам бир куни қайтиб келади», дея дарвоза олдида ўтира-ўтира дунёдан ўтиб кетди. Ҳаётининг охирларида қизлари судраб ҳам уйга кирита олишмабди.

Нима демоқчиман, мана, бир фолбиннинг иши ва унинг оқибати. Фарзандини йўқотиб, бағри ўйилган оила сарсон-саргардон бўлди, она ярим ҳушидан ҳам айрилди.

Саксонинчи йилларда фолбинлар кўп эмасди, унга ишонувчилар ҳам. Ҳозир-чи? Диний эътиқоди кучли инсонлар кўпайгани сайин фолбинга чопадиганлар ҳам кўпайиб бормоқда.

– Аслида қудаларим куёвимга ўзларининг узоқроқ бир қариндошини келин қилишни мўлжаллашган экан. Аммо йигит, яъни куёвим суйгани – қизимга уйланди. Тўй чиройли ўтди. Ёшлар бир-икки ой жуда яхши яшашди. Кейин эса, аввал куёвимнинг, сўнгра қайнона қудамнинг қизимга муносабати ўзгарди. Ғиди-биди, гап-сўз кўпайиб кетди. Фолбинга боргандик, у «Қизингга тўй куниёқ илму амал қилинган, ётоқхонасидаги диваннинг остига қаранглар», деди. Дарҳақиқат, айтганини қилгандик, латтага ўралган суяклар, тупроқ, тирноқ, соч ва яна алламбалоларни топиб олдик. Яна ўша фолбинга бориб, бир дунё пулга қайтариқ қилдирдик, аммо фойдаси бўлмади. Қизим бир йил ҳам яшамай қайтиб келди. Ҳамма ишни ўша ноумид бўлиб қолган қариндошлари қилганмиш...

Бу ҳам бир онаизорнинг ҳасрати. Ким у фолбин? Жин ёки шайтоннинг ҳамтовоғими? Балки унда ҳеч қандай ғайритабиий куч йўқдир. Ўша оиласи бузилган қизнинг ўзи келинликка тайёр бўлмагандир. Нимаси биландир эри ва қайнонасининг кўнглини қолдиргандир... Диван остидан топилган нарсаларнинг алоқаси йўқдир бу тақдирга.

Фолбинларни ўткир психолог бўлади, дейишади. Олдига келган кишини саволлар билан гангитиб ташлайди. Нажот кутиб келган банда беихтиёр ўзи дардини гапириб беради. Фолбин кейин «башорат» қилади.

Шахсан мен «Ўлишим учун қилишибди», «Йўлимни боғлаб ташлаш учун илму амал қилинибди», «Бизнесимни касодга учратиш учун қилишибди» каби гап-сўзларга ишонмайман, ғашим келади.

– Нафаси ўткир бир домла топдим. Ўғлимни ўқитяпман. Етти чоршанба ўқитишим керак экан, энди учтаси ўтди.

– Ҳар сафар фалон сўм пул бераётгандирсиз?

– Ҳа, энди, ҳар нарсанинг баҳоси бор-да...

Бунисига нима дейсиз? Афсуски, бундай хурофотларга ружу қўйган кимсалар ғойибдан келадиган кучга ишониб қоладилар. Ўз устида ишлашмайди, дадил ҳаракат қилишмайди. Ҳолбуки, мансаб ҳам, маблағ ҳам ўқиш, ўрганиш, изланиш, тажриба ва маҳоратни ошириш орқали бўладиган ҳодиса. Ғойибдан омад кутадиганлар сеҳрли қалпоқчага ишониб, ахийри бармоғини тишлаб қолган Ҳошимжоннинг ҳолига тушиши мумкин.

Бировга ёмонлик тилаб, илму амал қиладиганларни ботинидаги ёмонлик истаги қуядай ея бошлайди. Ёмонлик, ҳатто қора ўй-хаёллар ҳам ярага ўхшайди. Турган жойини, албатта, жароҳатлайди.

Яна бир ҳақиқат шуки, қўлида қамчи биланми, тасбеҳ биланми одамларга илму амал қилаётганларнинг аксарияти фирибгарлар. Улар шу усулни тирикчилик воситаси сифатида танлашган.

Аслида, ғайб илми ҳаммага ҳам берилавермайди. Ҳамма ҳам Ванга бўлавермайди. Демак, нодонлик фирибгарликка йўл очиб, жамиятда ёлғон урчишига майдон беряпти.

Ўрни келганда, яна бир ҳақиқатни айтиш керак. Хусусий телеканалларда берилаётган баъзи сериалларда фолбин образи кўп «ижро этиляпти». Қаҳрамонлар фолбинга қатнайди. Унинг эснаб ўқиган дуолардан сўнг, қаҳрамон истаган фожиа юз беряпти: автоҳалокат содир бўляпти, эр-хотиннинг ораси бузиляпти...

Афсуски, аксарият одамлар психологиясида «Телевизорда кўрсатяпти, демак, тўғри», деган фикр пайдо бўляпти. Сценарий муаллифи сюжет линиясини қизиқроқ қилиш учун киритган фолбин билан боғлиқ воқеалар хурофотнинг тарғиботи бўлиб қолмаяптими?..

**Биз бугун бақувват илдизимизга эътиқод қўйиб, тиллога тенг тупроғимизга ишониб, салоҳиятли, яратувчан ва меҳнаткаш элимизга таяниб, яратилаётган инсонпарвар қонунларга суяниб, бир яхши жамият қурмоқчимиз. Бу мақсаддан чалғитадиган ҳар қандай майда-йирик воситалар ҳамда кимсалардан халос бўлишимиз керак.**



**Қутлибека РАҲИМБОЕВА,**
*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими*



# ЯХШИЛАР ёди унутилмайди

*(Зиёвуддин Нажимовнинг «Чин маънодаги қатъиятли устоз эдилар» эссе-хотира китобини ўқиганда туғилган мулоҳазалар)*

**Ҳар бир инсон туғилганидан бошлаб, умр дафтарига ўз асарини ёзишга киришади. Бу асарнинг фожиали ёки бахтли якуни эса инсоннинг қандай мақсадларга интилиб яшаши, маънавий ва маърифий дунёси, хулқ-атвори, оиласи ва атрофидагиларга муносабати, юртига муҳаббати ва халқига беминнат хизмати каби мезонларга боғлиқ. Яхшиликка интилиб яшаган қалби пок кишилар ўзларидан шоҳ асарлар қолдиришадики, уларнинг умр дафтарини варақлаб, ўзимиз учун ибрат ва намуна оламиз.**

Ҳалол меҳнати ва туғма қобилияти билан элу юртда ҳурмат, обрў ва шараф топган атоқли давлат ва жамоат арбоби Раҳим Ражабов хотирасига бағишланган «Чин маънодаги қатъиятли устоз эдилар» номли эссе-хотира китобини мутолаа қилар эканман, мен бунга яна бир бор амин бўлдим.

Раҳим Ражабов 1937 йил 29 апрелда Бухоро вилояти Қоракўл туманида хизматчи оиласида таваллуд топган. 1960 йилда Тошкент шаҳридаги Ўрта Осиё политехника институтини (ҳозирги Тошкент давлат техника университетини) тамомлаган. Меҳнат фаолияти давомида «Ўзбексельмаш» ва Тошкент экскаватор заводида масъул лавозимларда ишлаган. Айниқса, собиқ СССРнинг биринчи компьютери ишлаб чиқарилган «Алгоритм» заводини лойиҳалаш ва қуриш ишларига бошчилик қилиб, уни бошқаргани диққатга сазовор.

Илм-фан ва амалий фаолиятдаги фидокорона хизматлари учун Раҳим Ражабов «Хизмат кўрсатган ихтирочи», «Хизмат кўрсатган инженер» унвонлари билан тақдирланган.

Халқимиз ҳаётида ва миллий давлатчилигимиз тарихида улкан ўзгаришлар амалга оширилган даврда – 1990-1997 йилларда Раҳим Ражабов ўзининг раҳбарлик ва бошқарувчилик қобилиятини намоён этиб, Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари, Давлат котиби ва Бош вазир ўринбосари лавозимларида садоқат билан меҳнат қилган.

Китобда унинг болалик йиллари, талабалик даври, илмий ва касбий фаолияти, шунингдек, мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритишига қўшган ҳиссаси ҳамда истиқлолнинг дастлабки йилларида олиб борган раҳбарлик фаолияти аниқ мисоллар ва ҳаётий воқеа-ҳодисалар асосида ёритилган.

**Китоб муаллифи Зиёвуддин Нажимов:** *«Устозлар хотирасини қоғоз саҳифаларига муҳрлаб, келгуси авлодларга узатиш зиёли инсон учун ихтиёрий, лекин шарафли юмуш ва бурчдир»,* **деган азму шижоат ҳамда эзгу мақсад билан китобни нашрга тайёрлаган.**

Муаллиф ушбу эссе-хотира китобини маълумотлар билан бойитишда яқиндан ёрдам бергани учун Раҳим Ражабовнинг қизлари – Муҳаббат Ражабова, Санобар Ражабова ҳамда Нодира Янгиева, куёви Ғулом Нарзуллаев, қоракўллик журналист Саъдулла Ғайбуллаевга самимий миннатдорлик билдиради.

**Муаллиф китобнинг «Устоз билан ташриф...» номли эссесида таъкидлаб ўтганидек, ушбу асар билан у нашр этилишидан олдин – ҳали қўлёзма эканида танишиб чиққанман. Китобнинг юксак самимият ва маҳорат билан ниҳоятда равон ва ишонарли тарзда ёзилгани менда илиқ таассурот қолдирган.**

Муаллиф устозининг умр йўлини ҳикоя қилиш асносида ўзбек халқининг XX асрнинг иккинчи ярми ва XXI асрнинг бошларидаги тарихини ҳам ҳаққоний ва ҳаётий мисоллар билан ёритиб берган. Жумладан, мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида давлатимиз енгиб ўтган тўсиқлар холислик билан тасвирланиб, халқимизга хос букилмас ирода, сабр ва матонат каби юксак инсоний туйғулар Раҳим Ражабов тимсолида тараннум этилган.

Халқимизнинг чинакам фидойи фарзанди Раҳим Ражабов хотирасига бағишланган ушбу асар ўқирманларга кўп ҳикматлар беришига ишонаман.



**Акмал САИДОВ,**
*академик*

**«ҲудудгазТошкент» газ таъминоти филиали касаба уюшмаси томонидан ўтган йили ҳам ишчи-ходимларни қўллаб-қувватлаш борасида кўзга кўринарли ишлар амалга оширилди.**

# Меҳрни ҳис қилиб...

Бугунги кунда ушбу ташкилот таркибидаги Тошкент вилояти бўйича 1600 нафар ишчи-ходим меҳр-мурувватга йўғрилганини ҳис қилган ҳолда сидқидилдан ишлаётир.

Ўтган йилги икки Ҳайит байрамларида бемор, боқувчисини йўқотган, ижтимоий ҳимояга муҳтож юздан ортиқ ходимларга озиқ-овқатлар тўплами етказиб берилди. Кўча-кўйда хизмат вазифасини бажараётган ходимлар мунтазам равишда иссиқ овқат ва ичимликлар, махсус иссиқ кийимлар билан таъминланди.

Шунингдек, ходимларнинг мароқли дам олишларини ташкил этиш учун Ўзбек Миллий академик драма театри томошалари, концертлар учун 500 га яқин чипталар тарқатилган бўлса, Янги йил байрамида 1560 нафар болажонга театрлаштирилган чиқишларга чипталар тақдим этилди. Туризмни ривожлантириш асносида ходимларни бой тарихий меросимиз билан яқиндан таништириш мақсадида туман ва шаҳар газ бўлимларининг 130 дан ортиқ ходимлари юртимизнинг тарихий гўшаларига саёҳатга юборилди.

Йил давомида юбилей ёшига етган ходимларга, турли тадбирлар ғолибларига, фахрий пенсионерларга моддий ёрдам ҳамда совғалар берилди.

Бундан ташқари, касаба уюшмамиз томонидан футбол, шахмат-шашка, «Заковат» интеллектуал ўйини каби тадбирлар мунтазам ўтказиб борилди.

Бу каби эзгу ишлар жамоа шартномасига мувофиқ, 2025 йил давомида ҳам амалга оширилиши режалаштирилган.

**Гўзал МАҲМАДАЛИЕВА,**
*«ҲудудгазТошкент» газ таъминоти филиали бошланғич касаба уюшмаси ходими*

**Эълонлар**

Тошкент шаҳар, Яккасарой туманида рўйхатдан ўтган **«ZHENG FANG INVESTMENT» МЧЖ** шаклидаги хорижий корхонанинг думалоқ муҳри йўқолгани сабабли бекор қилинади.

***

Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани ТТЗ-2 даҳаси Ширин бозорида фаолият юритувчи якка тартибдаги тадбиркор **«NIG‘MATULLAYEVA SITORA BAXTIYOR QIZI»**га тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳририяти жамоаси «Hurriyat» газетаси бош муҳаррири Абдурасул Жумақулов ҳамда «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарининг Сурхондарё вилояти бўйича мухбири Чори Жумақуловга акаси

**Абдумурод Пардаевич ЖУМАҚУЛОВ**

вафот этгани муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Азиз газетхон!

Мароқли дам олинг!



*Ҳар баҳор йўлингда интизор*
*Кутаман, аҳдига вафодор.*
*Юракда асраган гапим бор.*
*Кутаман –*
*Келмасанг, дунёдан ёлғиз ўтаман.*

Ўлмас ОЛЛОБЕРГАНОВ *ижросида*

*«КУТАМАН» қўшиғи*

**МУАССИС:**
O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

*2007-yil 11-yanvarda O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro‘yxatga olingan.*

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalari tahrir hay’ati:

Qudratilla RAFIQOV *(tahrir hay’ati raisi),*
Ulug‘bek JALMENOV,
Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfullo AHMEDOV,
Akmal SAIDOV,
Ravshan BEDILOV,
Qutlimurot SOBIROV,
Suhrob RAFIQOV,
Shoqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV,
Nodira G‘OYIBNAZAROVA,
Anvar QULMURODOV *(Bosh muharrirning birinchi o‘rinbosari),*

Mehriddin SHUKUROV *(Mas’ul kotib – «Ishonch»),*

Valentina MARSENYAK *(Mas’ul kotib – «Ishonch-Доверие»)*

Bosh muharrir
**Husan ERMATOV**

**Bo‘limlar:**
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma’naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

**Hududlardagi muxbirlar:**
**Qoraqalpog‘iston Respublikasi –** (+998-99) 889-98-20
**Andijon viloyati –** (+998-99) 889-90-23
**Buxoro viloyati –** (+998-99) 889-90-31
**Navoiy viloyati –** (+998-90) 500-05-12
**Jizzax viloyati –** (+998-99) 889-90-34
**Namangan viloyati –** (+998-93) 213-09-66
**Samarqand viloyati –** (+998-99) 889-90-26
**Sirdaryo viloyati –** (+998-99) 889-98-55
**Surxondaryo viloyati –** (+998-90) 379-19-70
**Toshkent viloyati –** (+998-99) 600-40-44
**Farg‘ona viloyati –** (+998-99) 889-90-24
**Xorazm viloyati –** (+998-99) 889-98-01
**Qashqadaryo viloyati –** (+998-97) 705-08-93

«Ishonch»dan olingan ma’lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko‘rsatilishi shart.
**Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.**

**Navbatchi muharrir:** J. Nahanov

**Musahhihlar:** D. Xudoyberganova, D. Ravshanova

**Sahifalovchi:** H. Abdujalilov

**Bosishga topshirish vaqti –** 18:40
**Topshirildi –** 19:00

**Bahosi kelishilgan narxda**

**Manzilimiz:**
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko‘chasi, 24-uy.
**E-mail:** ishonch1991@yandex.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Nashr ko‘rsatkichi: **133**

**Umumiy adadi 32 360 та**

**Shundan:**
**6 263 nusxasi** «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uyda;
**18 231 nusxasi** «Erudit» MCHJ bosmaxonasi – Samarqand shahri, Spitamen ko‘chasi, 270-uyda;
**7 866 nusxasi** «Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi – Marg‘ilon shahri, Turkiston ko‘chasi, 236-«b» uyda
**chop etildi.**

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
**Buyurtma G-111**

1 2 3 4 5 6